ЎзССР Давлат китоб палатаси
Инв. 9 11 98

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 24 июнь Чоршанба.
№ 48 (144141)

МАРҲАБО, ТОЖИКИСТОН!

Ўзбекистонда шу йил 29 июндан 5 июлгача Тожикистон Республикаси кунлари ўтказилади.

У 30 июнь куни "Туркистон" саройида тантанали равишда очилади. Байрам дастурига кўра Бадиий Академия кўргазмалар залида тожикистонлик тасвирий санъат усталари асарлари кўргазмаси ташкил этилади.

Байрам иштирокчилари Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари меҳнаткашлари билан учрашади. Жўрабек Муродов, Давлатмурод Холов, Мастона Эргашева каби тожикистонлик хонандалар, "Лола", "Зебо", "Жаҳонаро" ансамбллари ўзбекистонликларга ўз санъатларини намойиш қилади.

Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан ўтказилаётган бу байрам икки халқ ўртасидаги маданий алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат этади.

ЎЗБЕКИСТОН — БОЛГАРИЯ:
ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ МЕЗОНЛАРИ САРИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 23 июнь куни Болгария Республикаси Президенти Петар Стоянов таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакат пойтахти -- София шаҳрига жўнаб кетди.

-- Ўзбекни болгарга, болгарни ўзбекка таништириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, -- деди Президент сафаролди интервьюсида.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва Болгария халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлик ришталари юз йилликлар давомида чийрилган. Бир қарашда бу ришталар асримизнинг 90-йилларига келиб, ҳар икки мамлакатнинг демократик-ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги жиддий саъй-ҳаракатларининг залвори остида бироз ингичка тортгандек туюлиши мумкин.

Аслида эса Болгария Республикаси 1992 йилнинг май ва сентябрь ойларида мамлакатимиз мустақиллигини эътироф этиши ҳамда дипломатик алоқалар ўрнатиши муносабати билан бошланган ҳамкорлигимиз тарихининг янги босқичига теранроқ назар солинса, юқоридаги сингари юзаки тасаввурларнинг алдамчилиги бир зумда ойдинлашади. Негаки ана шу ўтган қисқа давр мобайнида давлатларимиз ва халқларимизнинг ўзаро тенг ҳуқуқли муносабатлари ҳамда дўстона алоқалари мутлақо янгича асосда равнақ топиши баробарида, ўзининг ижобий самараларини ҳам бера бошлади.

Шунинг баробарида, Президент Ислом Каримов ўтган йилнинг ноябрь ойида юртимизга ташриф буюрган Болгария Республикаси ташқи ишлар вазири Надежда Михайловани қабул қилар экан, Ўзбекистоннинг Болгария билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари икки мамлакат имкониятлари даражасида ривож топмаётганини алоҳида қайд этганини ҳам эсга олмаслик мумкин эмас. Зотан, Марказий Осиё минтақасидагина эмас, умуман, МДҲ мамлакатлари ичида иқтисодий бақувват давлат сифатида эътироф этилаётган Ўзбекистон билан Европанинг тараққий этган умумий бозорига жадал интеграциялашиш йўлини тутган Болгария Республикаси ўртасидаги ҳамкорликнинг салмоғи ҳам ҳар икки давлатнинг ана шундай нуфузига лойиқ бўлмоғи лозим.

Дарвоқе, Болгария ташқи ишлар вазири раҳбарлигидаги делегацияга ҳамроҳлик қилган ушбу мамлакат ишбилармон доиралари вакилларидан иборат гуруҳ республикамизнинг бир қатор ташкилот ва муассасаларида бўлиб, ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича музокаралар ўтказди. Ўзбекистонлик ва болгариялик тадбиркорлар икки томонлама иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш ва бу борада амалга оширилиши лозим бўлган масалалар юзасидан атрофлича фикрлашиб олдилар. Н.Михайлованинг мазкур сафари чоғида икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида маслаҳатлашув тўғрисидаги Протокол имзоланди.

Жорий йилнинг май ойида эса мамлакатимиз ташқи ишлар вазири А.Комилов ташриф билан Болгарияда бўлди. Айтиш мумкинки, кейинги пайтларда мартабали делегацияларнинг ана шундай ташрифлари ўзаро ҳамкорлигимиз ривожига сезиларли ҳисса бўлиб қўшилди.

Кези келганда, 1994 йилнинг июнида Болгариянинг савдо-иқтисодий делегацияси Тошкентда, 1996 йил февраль ойида эса мамлакатимизнинг "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси вакиллари Софияда бўлгани ва бу сафарлар чоғида ҳам ташкилотлараро ҳамкорлик тўғрисида бир қанча ҳужжатлар тасдиқланишига эришилганини айтиб ўтиш жоиздир. Шунингдек, 1997 йилнинг ноябрида республикамиз пойтахтида Ўзбекистон ва Болгария ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида бизнес-семинар бўлиб ўтди. Ана шу анжуман кунларида болгариялик тадбиркорлар мамлакатимиздаги бир қанча уюшма, ташкилот ва муассасаларда бўлиб, амалий музокараларда қатнашдилар.

Ўзаро савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлигимизга доир рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 1997 йилда Ўзбекистон ва Болгария ўртасидаги маҳсулот айирбошлаш ҳажми 10,160 миллион долларни ташкил қилди. Шунинг 4,938 миллион доллари экспорт, 5,222 миллион доллари импортдан иборатдир. 1998 йилнинг январь-март ойлари ичидаги товар айирбошлаш ҳажми эса 7 миллион 840 минг доллар миқдорида бўлиб, кейинги пайтда мамлакатимиз экспорти бўйича мусбат салдонинг ортиб бораётгани кўзга ташланмоқда.

Шу кунгача мамлакатимизда Болгария сармояси иштирокида фаолият юритаётган йигирмага яқин қўшма корхона рўйхатдан ўтган. Дейлик, "Ситора", "Контакт", "Сикандер", "Бултекс", "Албо", "Навигул", "Фудмаш Лизинг", "Болгария-Шароб", "Транс Уролд Экспресс" каби қўшма корхоналар шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг маълумотларига кўра, 1997 йилда Болгария сармоядорлари иштирокида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдори ҳамда бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажми жами 269 007,8 минг сўмни ташкил қилди.

Ўзбекистон-Болгария муносабатлари ҳозирги пайтда ҳар томонлама мустаҳкамланиб бораётганини эътироф этган ҳолда, мамлакатларимиз ўртасида, хусусан, транспорт соҳасидаги ҳамкорликнинг истиқболли эканини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. **Инчунун, Юртбошимиз қайта-қайта уқдирганларидек, хорижий давлатларга кўпдан-кўп юкларимизни чиқариш учун энг қисқа, энг арзон ва энг ишончли йўлга эга бўлиш -- Ўзбекистон учун нафақат иқтисодий, балки муҳим сиёсий аҳамиятга ҳам моликдир. Бу, том маънода, мустақиллигимизга дахлдор масала.**

Шу боис, Истиқлол қўлга киритилгач, тақдир тақозоси билан денгиз бандаргоҳларидан узоқда жойлашган мамлакатимиз қўшни давлатларга ва жаҳон океанига чиқишни таъминлайдиган энг қисқа ҳамда ишончли транспорт йўлларини барпо этиш мақсадида транспорт алоқаларининг халқаро тизимларига алоҳида эътибор бермоқда. Транспорт коммуникациялари Болгария иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланиши, ушбу мамлакат йирик транспорт ва темир йўллар, айниқса, денгиз йўли кесишадиган ҳудудда жойлашгани бу жабҳадаги ўзаро ҳамкорликнинг ривожи учун айни муддао бўлди.

Ўзбекистон, Озарбайжон, Грузия ва Туркманистон ўртасида транзит юк ташишни тартибга солиш соҳасида ҳамкорлик юзасидан 1996 йили Сарахс шаҳрида имзоланган кўп томонлама битимга ўтган йилнинг май ойида Болгария ҳам қўшилган эди. Айни пайтда, Шарқий ва Ғарбий Европадан Болгариянинг Қора денгиз бўйидаги бандаргоҳлари, Кавказ ҳамда Каспий денгизи орқали Марказий Осиёга чиқадиган транспорт йўлаги -- ТРАСЕКА доирасида ҳам Ўзбекистон ва Болгария ўртасида ҳамжиҳатликдаги муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Европа Иттифоқига тегишли ТАСИС дастурнинг мазкур лойиҳасини рўёбга чиқариш Ўзбекистонни коммуникация ва транспорт билан таъминлашдаги қийинчиликларни бартараф этишда ғоят истиқболли аҳамиятга эга. Қолаверса, нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёда жойлашган барча давлатларнинг жўғрофий ўрни минтақанинг транспорт масаласидаги ўзига хос муаммоларини ҳал этишга қаратилган коммуникацион лойиҳаларни амалга оширишни тақозо этади. Шу жиҳатдан, Юртбошимиз туркийзабон давлатлар бошлиқларининг яқинда Остона шаҳрида ўтган бешинчи учрашувида сўзлаган нутқида: **"Европа Иттифоқи қўллаб-қувватлаётган ҳамда яхшигина молиявий базага эга бўлган кўп йўналишли ТРАСЕКА лойиҳасини амалга ошириш -- Европа қитъасига йўл очиб берадиган Транскавказ йўналишига эга бўлишимизга аниқ имконият яратади", деб таъкидлаганлари бежиз эмас.**

Шу кеча кундузда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Болгария бўйлаб расмий ташрифи давом этмоқда. Расмий ташриф мобайнида ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида, шунингдек, иқтисодий, маданий, транспорт ва бошқа соҳаларда алоқаларни мутлақо янги мезонлар асосида мустаҳкамлаш ва ривожлантириш юзасидан бир қанча қўшма ҳужжатлар тасдиқланиши кутилаётир.

Йўлбошчимиз сафар арафасида журналистлар билан мулоқотда таъкидлаганларидек, **Болгарияга ўхшаш давлатлар билан муносабатларимиз нечоғлик яхши бўлса, ҳамкорлик алоқаларимиз қанчалик мустаҳкамланса, Ўзбекистонимиз келажаги учун шунчалик катта аҳамият касб этади.**

Ғулом МИРЗО,
халқаро шарҳловчи

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БОЛГАРИЯГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

София, 23 июнь. /ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади. Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Болгарияга келди.

Икки давлат байроқлари билан безатилган София аэропортида мамлакатимиз раҳбари ва унинг рафиқасини Болгария Президенти Петар Стоянов рафиқаси билан қарши олди. Шу ернинг ўзида Ўзбекистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортди. Ҳар икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Аэропортда Президентлар Ислом Каримов ва Петар Стояновнинг қисқача мулоқоти бўлиб ўтди. Мулоқот сўнггида давлат раҳбарлари оммавий ахборот воситалари вакиллари учун қисқача баёнот бердилар. Ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштиришга интилиш ҳар икки мамлакатда ҳам бир хил экани таъкидланди.

Сўнг машиналар карвони «Бояна» қароргоҳи томон йўл олди. Бу ерда Ислом Каримов Болгария Бош вазири Иван Костов билан учрашди. Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримов Болгария пойтахти Софиядаги Номаълум аскар қабрига гул қўйди. Александр Невский соборини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари Болгария Халқ Йиғинига ташриф буюрди. Бу ерда Ислом Каримовнинг Йиғин раиси Иордан Соколов билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда икки давлат ўртасида қонунчилик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, парламентлараро алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Оқшом Президент Ислом Каримовнинг Президент Петар Стоянов билан суҳбати бўлди. Дўстона руҳда ўтган мулоқот чоғида халқаро муаммолар, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир масалалар хусусида фикрлашиб олинди. Суҳбат ниҳоясида томонлар ўзларини қизиқтирган барча масалалар юзасидан очиқ-ойдин мулоқот ўтказганлари ҳамда ушбу мусоҳаба асносида фикрлар уйғунлиги аён бўлганини маълум қилдилар.

ЎзА

ЮРТ — ЙИГИТЛАРГА ТАЯНАДИ



Юртимизда амалга оширилаётган ҳар бир бунёдкорлик ишида шубҳасиз давримиз йигитларининг фидокорона меҳнати бор.

Истиқлолимизнинг қудратли келажаги учун кеча-кундуз ишлаётганлар қаторига Наманган Автойўлтрести муҳандиси Асатилло Нормирзаевнинг ҳам исмини қўшиб қўйиш мумкин.

БАЙРАМ БИТТА БАХОНА...

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг Ижроия қўмитаси республика оммавий ахборот воситаларида мамлакат касаба уюшмаларининг иқисодийислоҳотларни амалга ошириш, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, соғломлаштириш ва дам олишни ташкил этиш борасидаги кўп қиррали фаолиятини ёритишдаги алоҳида ижодий ташаббусларини рағбатлантириш мақсадида, касаба уюшмалари ҳаётининг энг яхши ёритганлик учун бир қатор матбуот нашрларини тақдирлашга қарор қилди. Унга кўра "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари биринчи мукофотга, Ўзбекистон телевидениесининг "Ахборот" бош муҳарририяти, Андижон вилоятининг "Ҳимоя" газетаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Тошкент оқшоми" газетаси иккинчи мукофотга, "Ўзбекистон қанотлари" -- "Крылья Узбекистана" газеталари учинчи мукофотга лойиқ деб топилди.

НОЗИМА

Франция - 98

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

Германия канцлери Ҳелмут Кол Франция президенти Жак Ширак билан телефон орқали мулоқотда бўлди, деб хабар қилади РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси. У немис футбол шқибозларининг Лан шаҳрида содир қилган тартибсизликларини қоралади ва бундан жиддий ташвишда эканлигини маълум қилди. Германия ҳукумати расмий вакили Отто Хаузернинг айтишича, Ҳелмут Кол Франция президентидан ушбу тартибсизлик оқибатида тан жароҳати олган полиция ходимлари соғлигини сўраб, уларнинг тезда соғайиб кетишига умид билдирди.

Маълумки, Германия билан Югославия жамоалари ўртасида ўйин ўтаётган пайтда бир неча юзлаб немис футбол ишқибози тартибсизликлар содир қилган ва унинг оқибатида полиция хизматчилари тан жароҳати олган эди. Франция полицияси тартибсизликларни келтириб чиқаришда айбланган 100 га яқин ишқибозни ҳибсга олди.

* * *

Руминия футболчилари ҳам ўз олдиларига қўйган биринчи мақсадларига эришди. Улар Англия терма жамоаси билан бўлган учрашувда 2:1 ҳисобида ғалабага эришиб, муддатдан илгари кейинги босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Шундай қилиб, Руминия кейинги босқичга йўлланма олган жамоаларнинг олтинчиси бўлди. Шу кунгача бундай имкониятни Бразилия, Франция, Нигерия, Аргентина ва Хорватия жамоалари қўлга киритган эди.

* * *

Буюк Британия парламенти футбол ўйинлари вақтида тартибсизликлар содир қилган шахсларга нисбатан жазо чораларини кучайтириш мақсадида қонун лойиҳасини тасдиқлади. Эндиликда тартибсизлик содир қилган шахслар ярим йилгача бўлган муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинади. Мамлакат ички ишлар вазирининг айтишича, бу қонун футбол билан боғлиқ тартибсизликларнинг пайини қирқишда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, англиялик футбол ишқибозлари Франциянинг Марсель шаҳрида тартибсизликлар содир қилган эди. Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр мазкур нохуш воқеа сабаб Франция ҳукуматидан расман узр сўради ва бу мамлакат футбол ишқибозлари обрўси учун жуда ҳам уятли ҳолат эканини айтди.

ЎзА

ДУНЁ: СЎНГГИ ХАБАРЛАР

ЮРТИМИЗДА

22 июнь куни Ислом Каримов АҚШнинг "Ньюмонт Голд" компанияси раиси, президенти ҳамда бош ижрочи директори Рональд Кембри раҳбарлигидаги ушбу компания делегациясини қабул қилди.

* * *

Хоразм вилояти ғаллакорлари ҳар гектар ердан ўртача 50 центнер ҳосил кўтариб, давлатга дон етказиб бериш буюртмасини республикада биринчи бўлиб бажарди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 23 июндан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валютанинг сўмга нисбатан қийматини белгилади.

1 АҚШ доллари 91 сўм 36 тийин деб баҳоланди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА

ДУШАНБЕ. Тожикистон Республикаси Олий мажлисида янги Жиноят кодекси айниқса, унинг кўп хотинликка оид моддасининг муҳокамаси қизғин баҳсларга сабаб бўлди. Мамлакат Бош прокурорининг таклифига кўра у ўзгартиришсиз қолдирилди. Эндиликда биттадан ортиқ хотинга эга бўлган эркакларга энг кам иш ҳақининг 500 баробарига тенг ҳажмда жарима солинади, ёки икки йил муддатга мажбурий хизматга ҳукм қилинади.

"Труд"нинг ёзишича, Тожикистонда яшовчи, 40 ёшдан хатлаган ҳар икки эркакнинг бири қўш хотинли эмиш.

БИШКЕК. Қирғизистон парламенти 20 майда заҳарли модда олиб кетаётган юк машинасининг Иссиққўлга тушиб кетиши оқибатида бу ҳудудда юз берган экологик ҳалокатни ўрганиш мақсадида халқаро комиссия тузиш зарурлигини билдирди.

ХОРИЖДА

АҚШ Президенти Билл Клинтон 9 кунлик расмий ташриф билан бугун Хитойга келди. Ташриф чоғида Хитойда инсон ҳуқуқлари ва диний эркинлик, қолаверса, мамлакатнинг Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этилиши кутилмоқда.

* * *

КОЛУМБИЯда бўлиб ўтган мамлакат президентлигига сайловларнинг сўнгги босқичида консерватив блок раҳбари Андреас Пастрана ғолиб чиқиб, 2002 йилга қадар мамлакат президенти этиб сайланди.

* * *

ЕВРОПА иттифоқи давлатлари элчилари Белорус ҳукуматига нисбатан норозилик тарзида Минскни тарк этишлари керак. Бунга президентнинг "Дрозды" посёлкасига дипломатларнинг киритилмаётгани сабаб бўлган.

* * *

АМЕРИКА синоптикларининг олдиндан башорат қилишларича, яқин ойларда бўронлар олдинларга нисбатан уч баробар кўп содир бўлиши мумкин. Бу Ланинья номини олган табиий таъсир кучи билан боғлиқдир. Дунё бўйлаб исишга олиб келувчи Эльниньодан фарқли равишда, Ланинья Ер шарининг шимолий ярмида иқлимнинг совушига олиб келади ва кучли бўрон ҳамда шамолларни вужудга келтиради.

* * *

МОСКВАда ҳам куни кеча рўй берган табиий офат бунинг бир кўринишидир. Олинган маълумотларга кўра, йигирманчи июндан йигирма биринчи июнга ўтар кечаси Москвада рўй берган бўронда 9 киши ҳалок бўлди, 122 киши касалхонага етказилди.

* * *

Американинг Флорида штати ўрмонларида айни пайтда ёнғинлар давом этмоқда. Ҳозирга қадар ёнғиндан 27 минг гектар ўрмон худди кулга айланди.

"Туркистон", ЎзА ва хориж матбуоти мухбирлари хабарларидан

ЁШИК, ЮРАК ЁНАВЕРАДИ

"...Халқаро майдонда биз бошқа мамлакатлар билан соғлом фикр мусобақасига, ижодий рақобатга киришмоғимиз лозим бўлади. Бизнинг келажагимиз мана шу мусобақа ва рақобатга қай даражада бардош бера олишимизга боғлиқ. Ўйлайманки, бунинг учун мамлакатимизнинг салоҳияти ҳам, ақл-заковати ҳам етарли".

Ислом КАРИМОВ

Узоқ йиллар биз иқтисод бирламчи, руҳий ҳаёт иккиламчи, деган марксча-ленинча ғоялар билан яшаб келдик. Инсоннинг руҳияти, маънавияти, кайфияти кўпам ҳисобга олинмасди. Эндиликда ҳаёт ҳақиқатлари шуни кўрсатмоқдаки, Инсон руҳияти, унинг тафаккури ва илми улкан яратувчи куч экан. Онг ва маданият даражаси юксак бўлган жамият ҳам гуллаб-яшнайди ҳам равнақ топади. Бундай жамиятда яшаётган киши қадри баланд, эркин фикр эгасидир. Биз ўзимизни даврга мослаш, янгилаш, маънавий оламимизни бойитиш, шу аснода улуғ жамиятни барпо этиш йўлидан одимлаяпмиз. Аслида, биз кимиз? Асрлар давомида Илм булоқларидан сув ичиб, Тафаккур қўшидан нур эмиб, дунё сарҳадларини бўйлаган Илдизлари бақувват, улкан Дарахтнинг мудом яшилланиб турган Япроқларимиз! Аждодларимизнинг бизга қолдирган тафаккур жавоҳирлари шу қадар беададки, бу хазинадан ҳали яна минг-минг йиллар давомида баҳраманд бўлаверамиз. XVI асрга довур туркий тил аталиб келинган ўзбек тилимиз чин маънода Алишер Навоий, Бобур, Улуғбек, Амир Темур, Мусо Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Аҳмад Фарғоний, Машраб каби буюк зотларнинг она тилидир. Бу кун Америка, Европа, Осиё қитъаларида шу тилга ўзгача меҳр билан қарайдиган, худди шу тилда мулоқотда бўладиганлар жуда кўп.

Халқимизнинг ўзига хос миллий маданияти, миллий маънавияти, миллий руҳияти ва миллий феъл-атвори бор. Бу миллийлик лапару ўланлар, айтишу олқишлар, аллаю-яллалар, эртагу достонлар, мақолу масаллар орқали авлодлан-авлодга ўтиб келаётир. Шу гўзал нақшлар кўнглимизга кунба-кун муҳрланиб, ўзлигимизни ўзимизга англатмоқда. Маънавий меросимиз шуниси билан аҳамиятлики, уларда юксак Инсонийлик кўринишлари мужассам. Улар биз учун гўзал ахлоқий маърифат дарси ҳамдир. Биз авлодлар силсиласидан узилмаслигимиз, билъакс уни янада чуқурроқ ўрганиб, ни тарбиялашга интилиб келинган. Тарихий китобларда айтилишича, қадимги юнон файласуфи Диоген кундуз кунлари қўлида чироқ кўтариб, шаҳар майдонларида чинакам инсонни излаган экан. Бу кун жамиятимиздаги саъй-ҳаракатлар ҳам илмли, ҳам нуқтадон, жамики фазилатлар соҳиби бўлган кишини тарбиялаб, вояга етказишдек юксак мақсадга йўналтирилган.

Жаҳон халқлари ҳавас қиладиган бой маънавий меросимизни ёш авлод онгига чуқурроқ сингдириш замонавий билим масканларининг барча дастурларида давом эттирмоғимиз зарур бўлади.

Кишилик тараққиётининг барча даврларида ҳам етук билимли, катта салоҳият эгаси бўлган комил Инсонларга эҳтиёж сезилган. Шу боис Ўзбекистонда очилган биринчи лицей бундан салкам 30 йил олдин ўз фаолиятини бошлаган бўлса, эндиликда Тошкент Давлат дорилфунуни қошидаги ушбу лицейнинг юзлаб издошлари бор. Уларда ёшларимиз замонавий илмларни ўта ҳассослик, чанқоқлик билан ўрганишяпти. Муҳими, бугунги ўқувчи компьютер илмини беш қўлдек билади, инглиз тилида сўзлашади. У маънавият дарслари билан биргаликда иқтисод сабоқларини ҳам ўзлаштирмоқда. Лицензия, маклер, корпорация, инфраструктура, депозит, интерфакс сингари янги сўзларнинг маъно ва аҳамиятини бугунги ўқувчи яхши тушуниб етади.

Бугунги боғча болалари тарбиячи опаларига: "Ўзбекистон" маркали машина қачон яратилади?" деб савол беришса ажабланмаймиз.

Яқинда мен Хоразмдаги бир боғча тарбияланувчилари гилам тўқиш санъатини ўрганаётганликларини эшитиб қолдим. Тасаввур қилинг, қизалоқлар жажжи дастгоҳлар ёнида ўтириб, моломаримизнинг азалий ҳунарини меҳр билан ўрганишса, қанчалар соз!

Умуман, ахборотларга бой асрда яшаётган ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш учун бизда жамики шарт-шароитлар муҳайё. Бугунги йигит ва қиз дунёни худди кафтидагидек кўра олиши зарур. Фикр эркинлиги ва айни пайтда ўзаро фикр ҳамжиҳатлигига эришиши ҳам кўпгина муаммолар қулфини очгувчидир. Дунёнинг икки қутбида яшовчи икки ўқувчи бир-бирини жуда осон тушуна олиши мумкинми? Мумкин! Шу мақсадда республикамизда таълим-тарбия жараёнига ТДС (таълимда давлат стандарти)ни жорий этишга бел боғланган. "Аслида бу янгилик бизга Ғарбдан келган бўлсада, ҳали дунёдаги бирорта давлатда таълимни стандартлаштириш кенг кўламда амалга оширилаётгани йўқ" дейилади республика халқ таълими вазирининг ахборотида. Бу ташаббусни биринчи бўлиб бошлаган Францияда бу иш ҳанузгача синов арафасида, Америка, Япония ва Германияда эса ҳатто бунга киришилмаган экан.

Бугунги талаба ўз илми ва тафаккури билан дунёни қойил қолдириш орзусида яшамоқда. Мен ўтган йилнинг ёзларида Самарқанд Давлат дорилфунуни журналистика бўлимининг 2-курсида таҳсил олаётган Шаҳло исмли талаба қиз билан суҳбатлашгандим. Жуссаси ушоққина, лекин кўзлари чақнаб турувчи бу қиз мустақил газета ташкил этиш ниятида, шу ишга бош қўшадиган ҳомий ахтариб юрган экан. "Бу газета ўзбек ва инглиз тилларида чиқади. Унинг рақобатдошлари ҳатто чет элларда ҳам бўлади!" деди Шаҳло. Гап бу газетанинг ташкил этилиши ё чиқишида эмас. Гап талаба қиз кўнглида шу катта мақсаднинг борлигидадир. Бу кун ҳар биримиз юрагимизда шу каби улуғ мақсадларни улғайтириб яшашимиз керак!

Маълумки, инсон ўзида руҳий очликни сеза бошласа, руҳий эҳтиёжи ҳам оша боради. Бу сезги бизга ўқиш, изланиш, яратиш ва яшнатиш имконини яратиб олишимизда қўл келади. Руҳий эҳтиёжимизни албатта китоб мутолааси билан қондира борамиз. Китоб бизни янги замонга мос фикрловчи киши этиб тарбиялайди. Навоий сатрларининг мазмунини англамаган, Яссавий ҳикматларидан бехабар, Қуръони каримни бирор мартаям қўлга олиб кўрмаган киши жуда кўп нарсалардан бехабар қолаверади. Носир Хисрав илм ва ақлни бир-биридан айро тушуниб бўлмаслигини эътироф этади:

Илмга ақл бирла бергил кўмак,
Ақл бу илмга харидор демак.

Руҳни камолга етказгувчи нима? Тийрак нигоҳ, чуқур тафаккур, етук ақл. Шууримиз чақнаб турса кўнгил тозаради, фикр чўғи яллиғланади. Юрак ёнади. Озод фикр билан ёнаётган юракни эса ҳеч нарса тўхтатолмайди.

Юрак ёнаверади!

Мен Мамлакатимиз Президентининг "Тафаккур" журнали Бош муҳаррирининг саволларига жавобларини ўқиганимда ана шундай ўйлар кўнглимдан кечди.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

ЪЎЁҚЛАРДА ЖОНЛАНГАН ЭРТАК

Катталарга нисбатан ҳамма нарсага кичкинтойлар ҳайрат ва ҳаяжон билан боқувчан бўлишади. Уларга бирор нарсани манзур қилиш қийин. Бола руҳиятини яхши биладиган, у билан тил топиша оладиган педагоглар буни билишади. Тошкентдаги 42-гимназия муаллимлари кичкинтойларни машғулот билан чарчатиб қўймаслик, бироз бўлсада, дам бериш мақсадида, ўзбек ва рус халқ эртаклари асосида яратилган кўргазмаларни йўлак деворларига муҳрлашди. Ўқувчилар синфга киришдан олдин девордаги манзарани масза қилиб томоша қиладилар. Бу жозибадор суратларни Республика Бадиий коллежининг 2-курс дизайн факультети талабалари ўзларининг амалий машғулотларида ишлаб, кичкинтой дўстларига армуғон этишди. Ўқув жараёнида олинган билимлар асқотди, эркин ижодий меҳнат билан мужассамлашди. Бўёқларда жонланган эртак болаларга манзур бўлиши табиий.







Суратларда: 2-курс талабаси М. Шожалилова иш устида.

Талабалар устозлари В. Валиев билан чизгиларни муҳокама қилишмоқда.

Сураткаш: А. ГЕРАСИМОВ

ҲУРРИЯТ НЕЪМАТИ

Истиқлолнинг ёшларга берган инъомларидан бири республикамиз Президентининг иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармасини тузиш ҳақидаги Фармон бўлди. Куни кеча мазкур жамғарма орқали жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларидаги нуфузли олий ўқув юртларига ўқишга кетган йигит-қизларнинг бир гуруҳи таътил учун Ватанларига қайтишди. Биз Америка Қўшма Штатларида таълим олиб қайтган ёшлар билан суҳбатлашдик.

Искандар ЗАБИХЎЖАЕВ: -- Мен Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетидан "Умид" жамғармаси орқали Нью-Йоркдаги Пэйс университетига юборилдим. Ҳозир у ерда банк мутахассислиги бўйича ўқияпман. Ҳукуматимиз иқтидорли ёшларнинг жаҳон андозалари талаблари даражасидаги илғор билимлари асосида таҳсил олишлари, баркамол инсон ва юксак маънавиятли, юқори малакали мутахассис бўлиб етишишлари учун ғамхўрлик қилаётган экан, биз ҳам бундай эътиборга жавобан пухта билим олиб, хорижлик талабалар орасида намуна бўлишга интилмоқдамиз.

-- Мен АҚШнинг Сиракуз унивеситетини битириб келдим,-дейди **Анвар АБДУЛЛАЕВ,** -- Иқтисодиёт ва халқаро алоқалар ихтисослиги бўйича магистратурани тамомладим. Энди Ватанимиз лозим топган жабҳада меҳнат қилмоқчиман. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг устувор йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида тузилмига мустақиллигимизнинг неъмати деб атасак бўлади.

-- Мен эса Буюк Британиянинг Лоуборо университетида илм олдим,- дея гап бошлайди ўзини **Рустам ЗОҲИДОВ** деб таништирган йигит. -- Хорижда бўлганимда чет эл ёшлари билан юртимиз йигит-қизларини хаёлан қиёслаб кўрдим. Бир қарашда жиддий тафовутлар йўқ. Лекин атрофлича кузатилганда хориж ёшларининг анчагина мустақил фикрлашлари кўзга ташланади. Улар ўзлари ишламоқчи, ўқимоқчи бўлган соҳани мустақил танлайдилар. Ҳатто бадавлат кишиларнинг фарзандлари ҳам отаонаси қўлига қарашни истамай, қўшимча равишда меҳнат қилади, ўқиши учун ўзи пул топади. Ўсмирлик чоғлариданоқ мустақил бўлишга интилишади. Биз ҳам улардан айнан мана шу жиҳатларни ўргансак ёмон бўлмасди. Ҳар ҳолда бировлардан ёрдам кутиб яшашнинг вақти ўтиб кетган.

-- Хориждаги таълим жараёнида шу нарса аён бўлдики,- дейди Жаҳон тиллари университетидан АҚШнинг Дюкейн университетига ўқишга юборилган **Наргиза ЛУҚМОНОВА,-** чет элда мактаб ва ҳатто боғчаданоқ ҳар бир болага алоҳида шахс сифатида аҳамият берилиб, унинг иқтидори юзага чиқиши учун мураббийлар, муаллимлар астойдил ҳаракат қилишади. Бизнинг юртимизда ҳам бунга энди-энди эътибор берилмоқда. Қолаверса, "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурининг асосида ҳам мана шу эзгу ғоялар ётади. Бу албатта қувончли ҳолдир. Чунки илму маърифат сари кенг имкониятлар очган давлатнинг келажаги порлоқ бўлишига шубҳа йўқ.

Мен Ватанга нима бердим?

-- Хориждаги таълим жараёнида шу нарса аён бўлдики,- дейди Жаҳон тиллари университетидан АҚШнинг Дюкейн университетига ўқишга юборилган **Наргиза ЛУҚМОНОВА,-** чет элда мактаб ва ҳатто боғчаданоқ ҳар бир болага алоҳида шахс сифатида аҳамият берилиб, унинг иқтидори юзага чиқиши учун мураббийлар, муаллимлар астойдил ҳаракат қилишади. Бизнинг юртимизда ҳам бунга энди-энди эътибор берилмоқда. Қолаверса, "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурининг асосида ҳам мана шу эзгу ғоялар ётади. Бу албатта қувончли ҳолдир. Чунки илму маърифат сари кенг имкониятлар очган давлатнинг келажаги порлоқ бўлишига шубҳа йўқ.

ИККИ ЙЎЛ ОВВОРАСИ

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ!

Муҳтарам "Туркистон" газетасининг ходимлари.

Мен газетангиздаги "Оила -- муқаддас даргоҳ" мавзуидаги танловни ўқиб, ўз бошимдан кечаётган воқеаларни Сизларга баён қилишга жазм қилдим. Чунки, буни халигача ҳеч кимга айтиб беришга юрагим бетламас, одамларнинг кулгисию, хақоратли пичингларидан қўрқиб, маломатга қолишдан чўчийман.

Илтимос, исмимни ўзгартириб (Шаҳло қўйсангиз ҳам майли), газетангиздан озгина ўрин топиб ёзганларимни чоп этишингизни сўрайман.

Зероки, менга ўхшаган шаҳарлик содда қизлар қишлоқлардан келган айрим йигитлар қармоқларига тушмасинлар. Телевизор ва газета-журналларда негадир шаҳарлик қизларни ёмон, ҳеч иш қўлидан келмайди, фақат ўйин-кулгуни билишади, қишлоқлик қизларни эса жуда ҳам яхши, меҳнаткаш, содда, фақат далаю полизлардан бери келишмайди деб ёзишади. Лекин, аслини олганда-чи, шаҳарлик қизлар ҳам жуда пазан-

Таҳрирсиз босилмоқда

да, озода, ҳунарли, тили ширин бўлади. Қишлоқдан шаҳарга ўқишгами, ишгами келганлар дарров ўзларини йўқотиб, ўзгача кийинишади, пардоз-андоз қилишади, лекин таёқ келиб, негадир шаҳарлик қизлар бошига тушади. Мен бу билан ўзимга ўхшаган шаҳарлик қиз-йигитларни яхшилаб, қишлоқлик ёшларни ёмонламоқчи эмасман, чунки ёмоннинг ҳам яхшиси, ҳам ёмони бўлади.

Мактабни битириб, педагогика университетига ўқишга кирдим.

Гуруҳимиздаги барча йигит ва қизлар қишлоқдан бўлгани сабаблими, уларнинг ҳаммаси негадир мени жуда ҳурмат қилишар, дўстона яхши кўришар эди. Менинг ўзим ҳам уларнинг биронтасини кўнглига озор бермасдим. Уларга мусофир, ота-онасидан йироқда деб ёрдам бериб юрардим.

Лекин, гуруҳимиздаги бир йигит (уни исмини келинг Равшан деб атайлик) менга ўзгача илтифот кўрсатар, доимо мен билан гаплашиб юрарди. Охири у менга муҳаббат изҳор қилди. Бошида уни "уйланган" деб ўйлардим. Чунки курсдошларимиз унга "хотининг қалай" деб ҳазил қилишарди. Лекин унинг ҳаракатлари эса буни рад қиларди. Чунки у қишлоққа яқин бўлсада ойда бир борарди. Менга "Хотиним бўлса, Сизни севар эдимми, сизнинг орқангиздан юрган бўлар эдимми," деб айтар эди. Равшан мени эрталаб кутиб олар, ўқиш тугагандан кейин уйга кузатиб қўярди. Ҳақиқатан ҳам хотинлик киши бу ишни қилмас деб, мен ҳам унга ишонган эдим. Охир-оқибат мен ҳам уни севиб қолдим. Бир кун кўрмасам яқин нарсамни йўқотиб қўйгандай бўлар эдим.

Кун ора ота-онам, оиладагиларимдан яширинча у билан бўладиган учрашувларга ошиқар эдим. Келган совчиларни бир баҳона қилиб, қайтарардим. Оиламда охири фарзанд, қиз бўлганим учун ота-онам мени шу йил турмушга чиқармоқчи бўлишди. Мен эса норози бўлдим, чунки мен Равшаннинг уйидан келадиган совчиларни кутиб юрган эдим. Ҳар ишнинг охири бор деганларидай, ёзги сессияда мен Равшаннинг оилали эканлигини, яқинда ўғил кўрганини дугонамдан эшитиб қолдим. Бу эса мен учун дунёдаги энг оғир азоб эди. Ўша пайт мен ҳаттоки ўзимни ўлдиришга ҳам тайёр эдим. Равшан ўша куннинг ўзича менга ҳаммасини тушунтиришга ҳаракат қилди. Унинг айтишича, уйдагилари биринчи ўғил бўлгани учун уни мажбур қилишган экан. Лекин унинг илк севгиси мен эканлигим, бунинг учун ўзи айбдормаслиги, инсон севиш ва севилишга ҳақли бўлса, нега мен бундан мустасноман деб айтган сўзларидан кейин, мен негадир унга бўлган муҳаббатим кучлилиги сабаблими уни кечирдим. Унинг биз бирга яшаб, бахтли бўламиз, деган сўзлари эса ҳамон қулоғим остида жаранглайди. Илтимос бизларга маслаҳат беринг, мен нима қилай? У билан бахтли умр кечиришимизга кўзингиз етадими? Оиладагиларим, қолаверса, унинг оиласи бунга қандай қарашади. Унинг ўзи ҳам икки ўртада жуда қийналиб қолди. Азиз газетхонлар! Бизлардан қимматли маслаҳатингизни аяманг. Газета ходимлари, сизлардан илтимос, хатим учун саҳифаларингиздан ўрин топинглар.

ШАҲЛО,
Бухоро шаҳри

ПОКЛИККА НЕГА ХИЁНАТ?!

Нафиса йўллаган мактубни ўқиб чиқдим-у, ўзимни қўйишга жой топа олмадим."Наҳотки!" деган ўй бутун вужудимни қамраб олган эди. Агар Нафисани ҳокисор, оқила аёл эканлигини билмаганимда ҳам бошқа гап эди. Уни нима учун севиб турмуш қурган эри, қайнона ва қайнотаси тушунмади экан-а?! Ҳаётга нечун бунчалик енгил қарашди! Ана шу хаёллар тинчимни йўқотар, мен эса мактубни яна такрор ўқир эканман, Нафисанинг бошидан кечирган воқеаларини бирма-бир кўз олдимдан ўтказа бошладим.

У меҳнаткаш оилада ўсиб, улғайди. Мактабда яхши ўқиди. Баъзи қизлардек имтиёзли аттестати бўлса-да, олий ўқув юртига кириш учун интилмади, балки ҳамшираларни тайёрловчи билим юртига борди. Унинг нияти доимо одамларга ёрдам қўлини чўзиш, уларнинг ҳожатини чиқаришдан иборат эди. Қўшнилар қай пайтда ундан ёрдам сўрашса "лаббай", деб уларнинг илтимосини қайтармасди.

Маҳалла-кўй у ҳақда фақат яхши гап гапиришар, исмини ҳурмат билан тилга олишарди. Уни авайлаб ўстирган ота-онасига "раҳмат" деб олқиш айтишарди. Шунинг учун ҳам қўшни қишлоқлик Иброҳимжон исмли йигитнинг ота-онаси совчиликка келганларида маҳалла аҳлидан фақат бу қиз ҳақидаги мақтовини эшитдилар. Иброҳимжон Тошкентдек азим шаҳарда муҳандислик олийгоҳида ўқиб қайтган, ўзи яшаётган ширкат хўжалигида ишларди. У кўпдан буён Нафисани кўриб, юраги "жизиллаган" эди. Қиз билан бирор марта юзмаюз суҳбат қурмаган бўлсада, уни зимдан кузатиб юрди. Қишлоқ марказидаги касалхонага ҳамшира бўлиб жойлашганида унинг уйигача изма-из олиб бориб қўядиган бўлди.

Нафиса уни бир неча маротаба зимдан келаётганини кўрса-да, одатдаги йигитларнинг ҳушторлиги бўлса керак, деб ўйлади. Шунинг учун Иброҳимжоннинг ота-онаси совчи бўлиб келганида, ўғилларининг мақсадини дарров тушунди. Ота-онаси ҳам совчиларга дарров кўниб қўя қолишмади:

--Қизимиздан аввал сўрайлик, розилигини олайлик,- дейишди.

Нафиса билдики, ота-она рози, худо рози. Агар уларга маъқул бўлса бўлгани. Ахир улар "қизим ёмон жойга келин бўлиб борсин", дейишмайди-ку. Совчилар кетма-кет келиб, жон ҳолларига қўйишмади. Қишлоқ оқсоқоллари ўртага тушиб, воситачилик қилишлари туфайли тезлаштириб юборди. "Қиз бировнинг хасми", деган ақидага риоя қилишиб тўйига розилик беришди.

Нафиса билан Иброҳимжоннинг тўйлари ҳам бўлиб ўтди. Қайнона ва қайнота келинларини юриш-туришидан миннатдор эдилар. Бироқ, турмуш бир йўсинда кетавермас экан. Рўзғор дегандек. Иброҳимжоннинг ёлғиз ўзига оила тебратиш оғирлик қилиб қолди. Аста-секин фарзандларини кўпая бориши ҳам Нафисанинг ишга чиқишига зарурат туғдирди. Нафиса яна қайта ўзи ишлаган касалхонага ҳамшира бўлиб жойлашди.

3-4 йил ичида касалхона бош ҳакими ҳам ўзгарибди. Кўринишидан кўпни кўрган одамга ўхшарди.

--Бу бошлиғимиз олдингиларидан ўтиб тушди,- деди бўлим мудири Нафисага юрак дардини очар экан,- ҳар ҳафта текшир-текшир. Бундоқ тинч ишлагани ҳам вақт йўқ.

Дарҳақиқат, бош ҳаким бир ҳафта тозаликни текширса, иккинчи ҳафта даволаш қандай аҳволдалигини, кейинги ҳафта шахсий гигиена талаблари қандай бажарилишини кўради. Гапнинг қисқаси, барчанинг юраги безиллаб қолган. Гап тозалик ёки даволанишнинг ёмонлигида эмас, йўқ нарсани йўндириб, умумий мажлисда пўстакни қоқишда.

Нафиса аввалига бу гапларга ҳайрон бўлган бўлса ҳам, кейинчалик кўриб ишонди. "Ишқилиб эл олдида шарманда бўлмайинда", - деб худога илтижо қилиб юрди.

Бир куни ана шундай навбатдаги текшириш кетаётган эди. Бош ҳаким ходимларнинг иш жойи, иш юритиш тартиби билан бирма-бир танишиб чиқа бошлади. Нафиса эса дориларини кимга бергани, қандай укол қилгани ҳақида маълумотларни ўз дафтарига қайд қилаётган эди. Бош ҳаким у ўтирган хонага кирди-ю, эшикни беркитди. Нафиса ҳайрон бўлиб қотиб қолди.

-- Ассалому алайкум Матёқуб ака, келинг,- деди ўзига келиб.

-- Ваалайкум ассалом,- деди табиб хирсга тўлган кўзларини Нафисага тикиб тиржаяр экан.

-- Эшикни нимага беркитдингиз? Ахир бу ер бировнинг кириб-чиқадиган жой бўлса...

--Билиб туриб беркитдим. Ташвишланманг, Нафиса-хон,- деди бош ҳаким Нафисанинг билакларидан ушлашга ҳаракат қилиб.

-- Нимага ундай деяпсиз, қўйинг!- деди у қўлларини тортиб.

-- Нафисахон,- деди у кўзлари қонга тўлиб,- мен Сизга етишаман деб қачонлардан бери ният қилган эдим. Мана бугун етишдим. Келинг, ҳеч ким билмайди-ку. Бир ўпич олай.

-- Қўйинг, деяпман сизга, бўлмаса бақираман,- деди баланд овоз билан Нафиса, -- Касалларни ёрдамга чақираман.

-- Вой-бу. Жуда бунчалик қўрқитманг. Раҳбарга ҳам шунақа муомалами. Сиздан нима кетди. Эрингиз билиб ўтирибдими?! Ўзим Сизнинг борингиз, йўғингиздан хабар олиб тураман.

-- Агар бунақа бўлса ишингиз ўзингизга буюрсин. Иброҳимжон ҳам Нафисани гапига ишониб учтўрт кун эътибор бермади. Бу орада касалхонада бирга ишлайдиган ходимлар ҳам келишиб хабар олишди. Уларга ҳам "касаллиги"ни баҳона қилди.

Бироқ, касални яширишдан фойда йўқ эди. Ҳамма нима гап эканини билиб олди. Ҳатто Нафисанинг ўзи ҳам.



"Кимда кимнинг кўнгли бор?"

Мен эримга, болаларимга хиёнат қиладиган аёлмасман. Қўйворинг, чиқиб кетаман,- деди Нафиса йўлини тўсиб турган ҳакимни бир четга итариб.

-- Ҳе, жа бунчалик қилманг! Касалхона тўла хотин. Ҳаммаси "гаҳ" десам қўлимга қўнади. Сизга бир илтимос қилиб балога қолдикми. Ҳаддингиздан ошманг. Меҳнат дафтарчангизни шундай қоралаб ёзиб бераманки, умрингиз бўйи касалхонага яқинлаша олмайсиз.

-- Мен сиздақа ифлос эмасман,- деди Нафиса ўзини тутолмай. Уни совуқ тер босди. -- Эшикни оч, бўлмаса ҳозир "дод" дейман!!!

-- Мана, мана очдик. Орамизда ҳеч гап бўлгани йўқ-ку. Энди жаҳлдан тушинг.

Нафиса вулқондек кўчага отилди. Оқ халатини кўчага чиқаверишда ечиб олди. Кўзлари нам, уйга қараб шошди. Бироқ, уйига яқинлашганда ҳар хил фикрларга борди. Бўлган воқеани дарров эрига айтсамикан ёки айтмасами?! Энди орқага қайтиш йўқ. Касалхонага қадам босмайди. Эрига қандай тушунтирса экан? Агар ўзича босди-босди қилиб касалхонага қайтса бош ҳаким қўймайди, бузуқ йўлга киришга мажбур қилади. Аввалларидек бир-иккита аёл билан дон чўқилашиб юраверади, деб эшитиб, ишонмаганди. Мана унинг бошига тушиб энди... Эрига айтса, катта жанжал кўтарса қандай бўларкин. Ахир у Нафисанинг поклигига ишонади-ку.

Иброҳимжон ишдан қайтди. Нафиса одатдагидек овқат пиширди, едирди. Болаларининг кийимларини дазмоллаб, дарсларини тайёрлашда ёрдамлашди. Эрталаб:

-- Бугун ишга бормайман. Тобим қочиб турибди,- деди у эрига баҳона қилиб.

Бундоқ тинч ишлагани ҳам вақт йўқ.

Дарҳақиқат, бош ҳаким бир ҳафта тозаликни текширса, иккинчи ҳафта даволаш қандай аҳволдалигини, кейинги ҳафта шахсий гигиена талаблари қандай бажарилишини кўради. Гапнинг қисқаси, барчанинг юраги безиллаб қолган. Гап тозалик ёки даволанишнинг ёмонлигида эмас, йўқ нарсани йўндириб, умумий мажлисда пўстакни қоқишда.

Нафиса аввалига бу гапларга ҳайрон бўлган бўлса ҳам, кейинчалик кўриб ишонди. "Ишқилиб эл олдида шарманда бўлмайинда", - деб худога илтижо қилиб юрди.

Бир куни ана шундай навбатдаги текшириш кетаётган эди. Бош ҳаким ходимларнинг иш жойи, иш юритиш тартиби билан бирма-бир танишиб чиқа бошлади. Нафиса эса дориларини кимга бергани, қандай укол қилгани ҳақида маълумотларни ўз дафтарига қайд қилаётган эди. Бош ҳаким у ўтирган хонага кирди-ю, эшикни беркитди. Нафиса ҳайрон бўлиб қотиб қолди.

-- Ассалому алайкум Матёқуб ака, келинг,- деди ўзига келиб.

-- Ваалайкум ассалом,- деди табиб хирсга тўлган кўзларини Нафисага тикиб тиржаяр экан.

-- Эшикни нимага беркитдингиз? Ахир бу ер бировнинг кириб-чиқадиган жой бўлса...

--Билиб туриб беркитдим. Ташвишланманг, Нафиса-хон,- деди бош ҳаким Нафисанинг билакларидан ушлашга ҳаракат қилиб.

-- Нимага ундай деяпсиз, қўйинг!- деди у қўлларини тортиб.

-- Нафисахон,- деди у кўзлари қонга тўлиб,- мен Сизга етишаман деб қачонлардан бери ният қилган эдим. Мана бугун етишдим. Келинг, ҳеч ким билмайди-ку. Бир ўпич олай.

-- Қўйинг, деяпман сизга, бўлмаса бақираман,- деди баланд овоз билан Нафиса, -- Касалларни ёрдамга чақираман.

-- Вой-бу. Жуда бунчалик қўрқитманг. Раҳбарга ҳам шунақа муомалами. Сиздан нима кетди. Эрингиз билиб ўтирибдими?! Ўзим Сизнинг борингиз, йўғингиздан хабар олиб тураман.

-- Агар бунақа бўлса ишингиз ўзингизга буюрсин. Иброҳимжон ҳам Нафисани гапига ишониб учтўрт кун эътибор бермади. Бу орада касалхонада бирга ишлайдиган ходимлар ҳам келишиб хабар олишди. Уларга ҳам "касаллиги"ни баҳона қилди.

Бироқ, касални яширишдан фойда йўқ эди. Ҳамма нима гап эканини билиб олди. Ҳатто Нафисанинг ўзи ҳам.

Мен эримга, болаларимга хиёнат қиладиган аёлмасман. Қўйворинг, чиқиб кетаман,- деди Нафиса йўлини тўсиб турган ҳакимни бир четга итариб.

-- Ҳе, жа бунчалик қилманг! Касалхона тўла хотин. Ҳаммаси "гаҳ" десам қўлимга қўнади. Сизга бир илтимос қилиб балога қолдикми. Ҳаддингиздан ошманг. Меҳнат дафтарчангизни шундай қоралаб ёзиб бераманки, умрингиз бўйи касалхонага яқинлаша олмайсиз.

-- Мен сиздақа ифлос эмасман,- деди Нафиса ўзини тутолмай. Уни совуқ тер босди. -- Эшикни оч, бўлмаса ҳозир "дод" дейман!!!

-- Мана, мана очдик. Орамизда ҳеч гап бўлгани йўқ-ку. Энди жаҳлдан тушинг.

Нафиса вулқондек кўчага отилди. Оқ халатини кўчага чиқаверишда ечиб олди. Кўзлари нам, уйга қараб шошди. Бироқ, уйига яқинлашганда ҳар хил фикрларга борди. Бўлган воқеани дарров эрига айтсамикан ёки айтмасами?! Энди орқага қайтиш йўқ. Касалхонага қадам босмайди. Эрига қандай тушунтирса экан? Агар ўзича босди-босди қилиб касалхонага қайтса бош ҳаким қўймайди, бузуқ йўлга киришга мажбур қилади. Аввалларидек бир-иккита аёл билан дон чўқилашиб юраверади, деб эшитиб, ишонмаганди. Мана унинг бошига тушиб энди... Эрига айтса, катта жанжал кўтарса қандай бўларкин. Ахир у Нафисанинг поклигига ишонади-ку.

Иброҳимжон ишдан қайтди. Нафиса одатдагидек овқат пиширди, едирди. Болаларининг кийимларини дазмоллаб, дарсларини тайёрлашда ёрдамлашди. Эрталаб:

-- Бугун ишга бормайман. Тобим қочиб турибди,- деди у эрига баҳона қилиб.

Шу ўринда мактабни битирар-битирмас қизларига касб-ҳунар ўргатмай, узатиб юбораётган оналарга ҳам эътирозимиз бор.

"Ҳа, эри боқиб олар" қабилида иш тутиш яхши натижаларга олиб келмаслигини ҳаётда кўрганим учун айтаяпман.

Ёдгора исмли қизини она "Бошида отаси йўқ, эри боқиб олар, ҳарна қутулганим"; деб узатиб юборди. Қиз кўп йиллар бахтли яшади. Лекин 5 та фарзандинг онаси бўлганида тўсатдан ваъ-Ёш болаларишиничиинтириш, оила аравати унинг тушди. Тужойда ишҳунари йўқлик қила Арзимас мафарзандлар эҳтиёжини олмади. овқатга, эгни имга ёлчилалар турли йўлларга китишди. нинг онаси ўйлаб, қизитайёрламай бир фожеа Ёдгора оилафожеалар ринчисими бўлади.

Яқинда "Адолат" газетасида шундай қийинчиликлар бўлмаганми? Бўлган, албатта. Оналаримиз, бувиларимиз қаноат билан, ақл-идрок билан уларни енгганлар.

Бугунги она ким?! Менимча, бугунги баъзи оналарнинг ўзи тарбияга муҳтож. Сабаби, 17 ёшда узатилган қиз 18 ёшда она бўлади. Мен бир келинчакни биламан, у 18 ёшда бир эмас, икки боланинг онаси бўлган. Каттаси 2 ёшда, кичиги 2-3 ойлик чақалоқ. Гўдакларнинг онасидан калтак емаган куни йўқ.

Бундай ҳолатга кўп дуч келганим учун бир куни келинчакнинг қайнонасига:

-- Боласини нега бундай қийнайди, айтсангиз бўлмайдими, -- дедим.

Қайнона эса:

--Неча бор айтдик, бўлмади. Бола ҳам калтак сяверіб без бўлиб кетган, -- дейди.

эри фот этди. ни едириш, кийхуллас, сини торзиммасига зукроқ лай деса Фаррошбошлади. оши билан

қондира Қорни яхши кийган боэгри риб келЁдгоракалтани ҳаётга узатгани бўлса, сидаги ўша бининг давоШу ўринда мактабни битирар-битирмас қизларига касб-ҳунар ўргатмай, узатиб юбораётган оналарга ҳам эътирозимиз бор.

"Ҳа, эри боқиб олар" қабилида иш тутиш яхши натижаларга олиб келмаслигини ҳаётда кўрганим учун айтаяпман.

Ёдгора исмли қизини она "Бошида отаси йўқ, эри боқиб олар, ҳарна қутулганим"; деб узатиб юборди. Қиз кўп йиллар бахтли яшади. Лекин 5 та фарзандинг онаси бўлганида тўсатдан ваъ-Ёш болаларишиничиинтириш, оила аравати унинг тушди. Тужойда ишҳунари йўқлик қила Арзимас мафарзандлар эҳтиёжини олмади. овқатга, эгни имга ёлчилалар турли йўлларга китишди. нинг онаси ўйлаб, қизитайёрламай бир фожеа Ёдгора оилафожеалар ринчисими бўлади.

Яқинда "Адолат" газетасида шундай бўлса... Улар ҳам оналаридан ўрнак олсалар, келажакда яна тўрт оила ўтда куймайдими?!

Мутахассислар фарзанд тарбиясида онани кўпроқ масъул деб билишади. Мутахассислар фикрича, бола 5 ёшгача шаклланади. Шунинг учун бўлса керак, Японияда ёш болали оналарга 5 йил нафақа тўланади. Балки келажакда бола улғайгач, 5-10 баробар ҳатто ундан кўп фойда келтирар. Шунинг учун у ерда техника, илм-фан ниҳоятда ривожланган, десак адашмаймиз.

Бизда ҳам ёш боласи уч ёшга тўлгунча она давлат таъминотида бўлади, ишдан озод қилинади. Лекин, ҳамма аёллар ҳам улар меҳрига зор гўдак ёнида бўлишаяптими? Йўқ! Баъзан ҳафталаб, баъзан ундан кўпроқ вақт ўзга юртларда мол келтириш аёлга мансуб бўлмаган "савдогарчилик" билан шуғулланишларига нима дейсиз?! Етишмовчилик шунга мажбур қилаяпти, дейишади. Қадимда

ОНАЛИККА КОДИРМИ?

Шокир отанинг умри деҳқончилик билан ўтди. 5 ўғил, 8 қизни вояга етказиб, тарбиялаш, уйлаб-жойлаш, ҳунарли, илмли қилиб, эл орасига қўшиш осонми?

Шу мақсадда, чол ўзи емади, лекин фарзандларига катта-катта едирди: оддий гуруч ўрнига -- девзира, пахта ёғи ўрнига -- қўй ёғи, қўй гўшти билан боқди. Ўзи янги киймади, аммо фарзандларига кийдирди...

Мана, энди у кексайиб, тез-тез боши ёстиққа тегадиган, ҳали у жойи, ҳали бу ери оғрийдиган бўлиб қолди. Баъзан у кампирига қараб:

-- Зулайҳо, мана бу яктагимнинг ямоғи озроқ экан, шуни келинларга ювдириб бергин, тўй-тўрқинга кийиб чиқаман, -- деса, кампири:

-- Вой, чоли қурмагурей, ўғилларингиз ҳар куни шаҳарга боради. 2 метр оқ суруп айтиб юборсангизку, янги яктак тикиб бераман-а,- деб зорланади.

Гоҳ Шокир ота:

-- Кампир, нафс қурсин, қариганда ҳақалак отади. Баъзида ўзимизнинг ҳў ёшлигимиздагидек қўй ёғи, қўй гўшти солиб, зирапалар сепиб, Ўзган девзирасига палов егим келади-да,- деса, кампири:

-- Эй, паловхўр чол-ей, яхшиямки ҳар куни қозон қайнайди,- деб уни сабрсизлик билан, нонкўрликда айбларди-ю, аммо ўғилларининг ҳар бирида 3-4 тадан қўй боқилаётгани, қоп-қоп девзира гуручлари сақланаётганини айтмас эди. "Уларнинг ҳам бола-чақаси кўп, уларга ҳам увол",- деб хаёлидан ўтказарди.

Шокир ота бир пайт касал ётганда:

--Кампир, озгина қўй жигари бўлганда, чўққа тоблаб, сели билан иккаловимиз икки донадан еб олардик,- деди. Зулайҳо кампир бу сафар чолининг раъйидан ўтолмади. Унга юраги ачиб, отанинг бу истагини ўғилларига тортинибгина айтди. Улар:

-- Ҳозир мол гўштини зўрға топяпмиз. "Кўриниб қолса олиб келар экан", деб қўйинг,- дейишди.

Шу-шу она бечора чодеб тамшаниб қўярди, холос.

Кампир эса ўғли олиб чиққан тарвузнинг қизармаганини, тарвуз пишиғи етиб келмагани билан чолни алдарди.

... Оғзига овқат солмай қўйгандан буён токчалар асалу қаймоқ, бўрсилдоқ нону ширмойларга, тарвузу қовунларга тўлиб кетди. Энди чол кўзини ҳам очмас, ухлагандек узоқ-узоқ нафас олиб, ўзи билан ўзи оввора эди. Фарзанду невaралар эса, энди унинг атрофида парвона. Келинларни айтмайсизми, ҳў-ў Шокир отанинг шунча келини борлиги аввалларида ҳеч билинмас, чол-кампир ўзи ёниб, ўзи ўчарди.

РИЗОЛИК...

"ОҚ ЛИБОС КИЙМАГАНМАН"

... Бокира қиз эдим. Дугоналарим қатори мактабни тугаллагач, совчилар кела бошлади. Уни у дедим, буни бу. Назаримда ўзим истаган оқил, диёнатли йигит мени ҳали излаётгандек бўлаверди. Тақдир марҳамати туфайли яхшигина ишга жойлашиб олдим. Сиртдан ўқишга кирдим. Кўнглимнинг оқлиги омадга йўллайверарди. Оҳ, оқ кўнглим, бўш кўнглим. Одамнинг ҳақиқий қиёфаси юзида кўринавермаслигини сезмаган эканман...

Тасодифан Мухтор исмли бир киши билан танишиб қолдим. У беш-олти йилча нуфузли ташкилотда ишлаган, касалликка чалиниб, ногиронликка чиққан экан. Даволаниб юрганида хотини бошқа кишилар билан сайру саёҳатларга борганини Мухторжон уйига қайтганида қўни-қўшнилардан эшитади ва хотинини сўроққа тутади. Аёл эса унинг ногиронлигини пеш қилиб, ҳақоратлайди. Шу орада Мухторжон хотинини ўша ташкилот бошлиғи билан дон олишиб турганининг устидан чиқиб, ажралишга қарор қилиб, суд орқали никоҳни бекор эттиради.

Мен шундай суқсурдай йигит ҳаётнинг тошбўронларига дуч келганига ачиндим. Далда бердим. Шу кундан бошлаб биз у билан яқин дўст бўлиб қолдик.

Бора-бора муносабатимиз ўзгача тус олди. Ҳаётда адашган бир кимсани бахтли қилиш мақсадида унга турмушга чиқишга розилик билдирдим. Лекин бу йўлимдан қайтармоққа уринганлар кўп бўлди. Отам тинмай дўқ-пўписа, онам бошимни силаб насиҳат қиларди. Кўзларидан оққан селдек ёшлар пешонамни шўрини ювмоққа чоғланганини сезмабман. Қисқаси, буларнинг ҳеч бири менга кор қилмади. Гапимда туриб олдим.

Тўй ҳам бўлиб ўтди. Қариндош-уруғлар бу ишимдан хабар топишиб тўйга келишмади. Фақатгина иккиуч қўшни-ю сингилларим, келинларим бир бўлиб мени куёв хонадонига элтишди. На оқ либос кийдим ва на дўстларим эзгу тилаклар билдиришди. Фақатгина ўзим танлаган йигит билан биргалигим кўнглимга таскин берарди, холос.

Тотли дамлар бошланди. Яхши яшардик. Менинг қистовим билан турмуш ўртоғим киракашликни ташлаб, тайинли ишга жойлашди. Икки қиз, бир ўғил кўрдик. Бироқ, бора-бора турмушимизга фисқу фасод аралашди. Бир-биримизга ишонмаслик, рашк, ёлғон, қабиҳлик деган иллатлардан зада бўлдим.

Мен Мухторжоннинг башарасини энди таниётган эдим. Билганимдай у бекорга ногирон бўлмаган, оиласи бежиз юз ўгирмаган экан... Қўйиб берсам мени ҳам нопокликка йўйишга тайёр эди. Бундай турмушдан ёлғизликни афзал кўриб, қўш қанотларим -- фарзандларимни олиб уйдан чиқдим. Яқинларим олдидаги қилган катта гуноҳим туғилиб ўсган жойимга қайтишга изн бермади. Туман марказида ижарага хонадон топдим. Рўзғоримдаги анжомларим етишмаслиги, уч болани едириш, кийдириш... анча қийналдим.

Тўрт йил давомида саккиз жойга кўчдим. Кейинчалик ишга кирдим. Сендан ҳаракат, мендан баракат деганларидек, уч йилга қолмаёқ бировлар ҳавас қилгудек рўзғоримни тиклаб олдим. Аслида ўйламай босган қадамим туфайли ўз бахтимни поймол этганим азобини умр бўйи тортишимни билсамда, умидларим ҳам йўқ эмасди. Қўлимдан келганича ўзим каби адашганларни тўғри йўлга бошладим. Бир пайтлар мени тушуниш ўрнига кўкрагимдан итарганларга гина сақламадим.

Мана, ўша жароҳатлар битиб кетди. Лекин, оқ либос кийган келинларни кўрганимда дардим янгиланади. Оқ либос кийиш ҳам қизларнинг бахти эканлигини, мен эса ундан бебаҳра бўлганимга асло тоқат қилолмайман. Ниятим, бўйига етиб қолган қизларимни оқ либосда кўриш..."

ҲАМРОҲОН,
Наманган

"ОИЛА-МУҚАДДАС ДАРГОҲ" ТАНЛОВИ ХАТ ҚУТИСИДАН

Мутахассисларнинг фикрича, ўғил болаларда балоғатга етиш қизларга нисбатан кечроқ бўлар экан. Шунинг учун оила қурилганда ҳам қиз ва йигитнинг ўртасидаги тафовут 3-6 ёшни ташкил этса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ўзи тенги ёки ундан 1-2 ёш кичик турмуш ўртоғининг оддий нарсаларни зийраклик билан англамаётганини сезган аёл оилада ўзини устун қўя бошлайди. Қарабсизки, катта-кичик келишмовчилик чиқаверади.

Мен касалхонада бир аёл билан танишгандим. У тўрт фарзандниг онаси, кичкина боласи бир ёшда эди. Турмуш ўртоғи ўзи билан тенгдош экан. Аёлнинг айтишича, эри рўзғорни эплай олмагани учун, ўзи тижорат билан шуғулланар, оила таъминотини, умуман, оилани ўзи бошқарар экан.

Бир кун эр майда-чуйда билан хонага кириб келди. Хотин унга дағдаға қилиб, "овқатни" тугуб келишга бошқа тозароқ сочиқ топилмадими"деди. Гулли халатимни олиб келгин, деган эдим. "Кока-кола"ни ёмон кўраман-ку, боринг менга "Фанта" олиб келинг, деди.

Эр итоаткорона чиқиб кетгач, хонадаги бошқа беморлар:

--Бу аёллар хонаси бўлса, индамай кириб келмасинлар, айтинг, -- деб эътироз билдиришди ва қўшиб қўйишди: -- Тоза сочиқ, гулли халатингиз қаердалигини эркак киши қаердан билсин. Бугун бўлмаса эртага олиб келадилар. Оввора қилдингиз-да.

-- Вой, машина олиб бериб қўйганман. Бориб келса ҳеч нарса бўлмайди.

Аёлнинг эрига бундай муомаласи менга ғалати туюлди-да, ундан сўрадим:

--Уйда ҳам эрингизга "сен" деб муомала қиласизми?

-- Ҳа. Бу ландовурга шу ҳам кўп.

Бошқа ҳеч нарса сўрамадим. Ичимда нимадир узилиб кетгандек, ўзимни беҳол сездим. Юрагимдаги ўлқинни анчагача босолмадим. Ахир, тўртта қиз улғаяётган хонадондаги аҳвол шундай бўлса... Улар ҳам оналаридан ўрнак олсалар, келажакда яна тўрт оила ўтда куймайдими?!

АЁЛИНГИЗ

Мутахассислар фарзанд тарбиясида онани кўпроқ масъул деб билишади. Мутахассислар фикрича, бола 5 ёшгача шаклланади. Шунинг учун бўлса керак, Японияда ёш болали оналарга 5 йил нафақа тўланади. Балки келажакда бола улғайгач, 5-10 баробар ҳатто ундан кўп фойда келтирар. Шунинг учун у ерда техника, илм-фан ниҳоятда ривожланган, десак адашмаймиз.

Бизда ҳам ёш боласи уч ёшга тўлгунча она давлат таъминотида бўлади, ишдан озод қилинади. Лекин, ҳамма аёллар ҳам улар меҳрига зор гўдак ёнида бўлишаяптими? Йўқ! Баъзан ҳафталаб, баъзан ундан кўпроқ вақт ўзга юртларда мол келтириш аёлга мансуб бўлмаган "савдогарчилик" билан шуғулланишларига нима дейсиз?! Етишмовчилик шунга мажбур қилаяпти, дейишади. Қадимда

ОНАЛИККА КОДИРМИ?

шундай қийинчиликлар бўлмаганми? Бўлган, албатта. Оналаримиз, бувиларимиз қаноат билан, ақл-идрок билан уларни енгганлар.

Бугунги она ким?! Менимча, бугунги баъзи оналарнинг ўзи тарбияга муҳтож. Сабаби, 17 ёшда узатилган қиз 18 ёшда она бўлади. Мен бир келинчакни биламан, у 18 ёшда бир эмас, икки боланинг онаси бўлган. Каттаси 2 ёшда, кичиги 2-3 ойлик чақалоқ. Гўдакларнинг онасидан калтак емаган куни йўқ.

Бундай ҳолатга кўп дуч келганим учун бир куни келинчакнинг қайнонасига:

-- Боласини нега бундай қийнайди, айтсангиз бўлмайдими, -- дедим.

Қайнона эса:

--Неча бор айтдик, бўлмади. Бола ҳам калтак сяверіб без бўлиб кетган, -- дейди.

эри фот этди. ни едириш, кийхуллас, сини торзиммасига зукроқ лай деса Фаррошбошлади. оши билан

қондира Қорни яхши кийган боэгри риб келЁдгоракалтани ҳаётга узатгани бўлса, сидаги ўша бининг давоШу ўринда мактабни битирар-битирмас қизларига касб-ҳунар ўргатмай, узатиб юбораётган оналарга ҳам эътирозимиз бор.

"Ҳа, эри боқиб олар" қабилида иш тутиш яхши натижаларга олиб келмаслигини ҳаётда кўрганим учун айтаяпман.

Ёдгора исмли қизини она "Бошида отаси йўқ, эри боқиб олар, ҳарна қутулганим"; деб узатиб юборди. Қиз кўп йиллар бахтли яшади. Лекин 5 та фарзандинг онаси бўлганида тўсатдан ваъ-Ёш болаларишиничиинтириш, оила аравати унинг тушди. Тужойда ишҳунари йўқлик қила Арзимас мафарзандлар эҳтиёжини олмади. овқатга, эгни имга ёлчилалар турли йўлларга китишди. нинг онаси ўйлаб, қизитайёрламай бир фожеа Ёдгора оилафожеалар ринчисими бўлади.

Яқинда "Адолат" газетасида шундай бўлса... Улар ҳам оналаридан ўрнак олсалар, келажакда яна тўрт оила ўтда куймайдими?!

Мутахассислар фарзанд тарбиясида онани кўпроқ масъул деб билишади. Мутахассислар фикрича, бола 5 ёшгача шаклланади. Шунинг учун бўлса керак, Японияда ёш болали оналарга 5 йил нафақа тўланади. Балки келажакда бола улғайгач, 5-10 баробар ҳатто ундан кўп фойда келтирар. Шунинг учун у ерда техника, илм-фан ниҳоятда ривожланган, десак адашмаймиз.

Бизда ҳам ёш боласи уч ёшга тўлгунча она давлат таъминотида бўлади, ишдан озод қилинади. Лекин, ҳамма аёллар ҳам улар меҳрига зор гўдак ёнида бўлишаяптими? Йўқ! Баъзан ҳафталаб, баъзан ундан кўпроқ вақт ўзга юртларда мол келтириш аёлга мансуб бўлмаган "савдогарчилик" билан шуғулланишларига нима дейсиз?! Етишмовчилик шунга мажбур қилаяпти, дейишади. Қадимда

ОНАЛИККА КОДИРМИ?

шундай қийинчиликлар бўлмаганми? Бўлган, албатта. Оналаримиз, бувиларимиз қаноат билан, ақл-идрок билан уларни енгганлар.

Бугунги она ким?! Менимча, бугунги баъзи оналарнинг

МУСИҚИЙ ОИЛА

Бугун биз кўпчиликка намуна бўлаётган Шомурод Фармоновлар оиласи ҳақида сўз юритмоқчимиз. Бу оилага ҳавас кўзи ила боқмаган, уч ака-ука санъаткорларнинг санъатларидан баҳраманд бўлиб, "менинг ҳам ўғлим шуларга ўхшасин" деб дуога қўл очмаган инсон топилмаса керак. Бу баландпарвоз, мақтовли гаплар эмас. Бор ҳақиқат. Бир оиладан уч ўғилни -- Азаматжон, Илҳомжон ва Шерзоджонларнинг қалбига мусиқани сингдириб, уларни тарбиялаб, тўғри йўлга бошлаб, бир соҳага йўналтириб ва уларнинг камолини кўришликнинг ўзи катта гап эмасми?! 1998 йили Фармоновлар илк бора катта саҳнада халқ билан юзма-юз учрашиб, куйлаш бахтига мушарраф бўлдилар. Мухлислар уларнинг қўшиқларини мамнуният билан қаршиладилар. Айниқса "Сен бўлмасанг муҳаббат", "Бинафша", "Гуноҳ", "Хуморингман" каби қўшиқлари шинавандлар қалбидан жой олди. "Илҳом" гуруҳи Тошкент шаҳар ижодий жамоалари ўртасида ўтказилган "Ўзбекистон қўшиқ байрами" кўрик-танловида "Мустақил Ўзбекистон" қўшиғи билан қатнашиб, мазкур танловнинг ғолиби деб топилди. Мен оила бошлиғи Шомурод Фармонов билан суҳбатлашдим.

"Туркистон" меҳмонхонаси

--Шомурод ака, кейинги пайтларда "Илҳом" гуруҳининг қўшиқлари кўпчиликка манзур бўлаяпти. Учала ўғлингиз шу гуруҳда фаолият кўрсатиб келишмоқда. Фарзандларингизнинг бир соҳа изидан боришларига сабаб нима? Бириси бўлмаса бириси бошқа касбнинг этагидан тутишлари мумкин эди-ку?

-- Оиламизда санъатдан йироқ кишининг ўзи йўқ. Ҳаммамиз санъатни қадрлаймиз, жон дилимиздан севамиз ва тушунамиз. Аввало, оилавий муҳит фарзандларимда санъатга меҳр уйғотган бўлса керак. Менинг ўзим санъат соҳасида ишлаганман. Хонадонимиз доим устоз санъаткор ҳофизлар, шоирлар билан гавжум бўларди.

--Ўғилларингиз ичида нега айнан Илҳомжон хонандалик даражасига кўтарилапти. Бошқалардан нимаси билан ажралиб туради?

--Илҳомжон ёшлигидан акаси ва укасига нисбатан бошқачароқ ўсди. У жуда тиришқоқ. Анчагина қайсарлиги ҳам бор. Уни қўшиқчи бўлади деб хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Ўн ёшлигида унинг ширингина нафаси борлигини пайқаб қолдим. Аллоҳ унга кўпроқ назар солган бўлса ажаб эмас.

--Ўғил болаларнинг тарбияси анча оғир бўлади. Сўзингизга кирмай қолишган пайтларда нима қиласиз?

--Оилада жуда қаттиққўлман. Оилада ҳамманинг ўз ўрни, отанинг ҳам фарзанднинг ҳам, онанинг ҳам ўз мартабаси ва вазифаси бўлиши керак. Мабодо сўзимга кирмай қолишган пайтларда насиҳат қиламан. Жуда бўлмаганда дўқ-пўписа...

--Тўйларга бориш, кўпроқ пул топиш ёшларнинг ахлоқига салбий таъсир қилиши мумкин. Бундан сиз чўчимайсизми?

-- Асло чўчимайман. Фарзандларимга ишонаман. Улар ўзларини тутиб олишган, ёш бўлсалар-да, босиқ, вазмин болалар. Инсон ахлоқининг бузилиши унинг кам ё кўп пул топишига қарамайди. Илоҳим, ҳамма вақт инсоф берсин.

— Фарзандларингиз билан кўпроқ нималар ҳақида суҳбатлашасиз?

-- Ҳаммалари санъаткор бўлгани учун шу соҳада халққа доим таъзимда бўлишлари керак. Юқорига кўтарувчи ҳам, ерга туширувчи ҳам халқ эканлигини унутмаслик кераклигини болаларимга уқтираман. Тўйларда, давраларда атрофдаги одамларни билиш, уларнинг кўнглига қараб куйлаш ва қайси пайтда қандай қўшиқларни айтишни билиш катта бир санъат эканини тушунтираман. Халқнинг дуосини олиб, чин дилдан хизмат қилган санъаткор ҳеч қачон кам бўлмайди. Баъзи санъаткорлар саҳнадан турибоқ халққа қараб ҳар хил сўзларни айтадилар. Бу хонанданинг обрўйига путур етказиши мумкин. Уларнинг вазифаси -- халқ олдида қўшиқ куйлаш. Насиҳат қилиш эмас. Ҳар бир соҳа кишиси ўз вазифасини қилгани яхши.

--Ўзингиз ҳам шеър ёзасиз, ҳам куй басталайсиз. Бошқа шоирларнинг ижодларидан ҳам фойдаланасизми?

--Албатта, шоиримиз Нормурод Нарзуллаев ижодларидан фойдаланамиз. Мана яқинда Нормурод аканинг "Сен бўлмасанг муҳаббат" шеърлари қўшиқ бўлди. Мухлисларга маъқул келди.

--Шомурод ака, бу йил Оила йили. Хонадонингизга ҳавас қилмаган киши топилмаса керак. Айтингчи, оилани янада мустаҳкамлаш, уни асраб-авайлаш учун нималарга эътибор бериш керак?

-- Оила -- муқаддас. Унинг мустаҳкамлиги эса эр-хотиннинг муҳаббати, садоқати, вафосидан, бир-бирларини тушуниб яшашларидан деб биламан. Оила бошлиқлари шу жиҳатларга аҳамият берсалар, уйда тинчлик, хотиржамлик бўлади, фарзандлар ҳам сиздан ўрнак оладилар.

--Фарзандларининг камолини, саодатини кўриш айниқса оналар учун буюк бахтдир, тўғрими?

--Келинойингиз Мунаввархон билан шунча йил бир ёстиққа бош қўйиб, турмушнинг машаққатларини, ширин дамларини бирга баҳам кўриб келаяпмиз. Ўзингиз биласиз, оилада онадек куюнчак, меҳрибон ва айни чоғда улардек кўнгилчанги йўқ. Турмуш ўртоғимнинг хизматларини, фарзандларига бўлган меҳри, муҳаббатини таърифлашга сўз ожиз. Мана тўрт набиралик бўлдик. Бир-биримизга меҳрибонмиз. Менимча, ҳар бир аёл, она ўз фарзандларининг камолини кўриб қувонади.

-- Уч азамат ўғил ёнингизда. Армонингиз бўлмаса керак-а?

-- Армоним бор эди. Илҳомжон бутун умр қилган орзуларимни рўёбга чиқариб, бошимни кўкка кўтарди. Менинг ўзим етолмаган орзуларимга Илҳомжон етаётганидан бахтлиман.

-- Яна нималардан қувоняпсиз?

-- Қачонлардир санъат соҳасига ҳам эътибор берилиши керак деб юрардим, Президентимиз ўзбек миллий эстрадасини яратиш масаласини кун тартибига қўйдилар. Санъатга бўлган бу эътибордан ким қувонмайди дейсиз!

--Шомурод ака, илоҳим орзуларингиз ушалгани рост бўлсин. Хонадонингизга, бир-биридан гўзал истеъдодли фарзандларингизга кўз тегмасин. Оилангизга бош бўлиб юринг!

Матлуба ТЕМИР қизи суҳбатлашди

Туҳфа

ҚИЗ БОЛАДИР ПАЛАҲМОН ТОШИ

"Совчилар"... "Совчилар"... Машҳур хонанда Юлдуз Усмонова томонидан ёниб айтиладиган бу қўшиқни мазза қилиб эшитгансиз. Бу қўшиқнинг ижодкори Рислиғой Ҳотамова бўлиб, Ўшнинг тоғли Сафед Булон қишлоғида ўсиб-улғайган.

Рислиғой Ҳотамова -- Ҳулкар тахаллуси билан шеърлар машқ қилади.

СОВЧИЛАР

Кўтаришиб тугунларини,
Кириб келди уйга совчилар,
Сўзга чечан, аврашга уста,
Бир оз айёр, бир оз лофчилар.
Чой ичишгач бир пиёладан,
Сўз очишди куёв боладан.
Мусичадай беозор, ювош
Тили ширин зўр қайнонадан.
Зап ҳунарманд, мулла дейишди,
Ғирт безори болаларини.
Обрўсини рўкач қилишди,
Сўнг аммаю, холаларини.
Эркагина жайрон эдим-а,
(Онам кўнглин овлаб кетишди)
Тилло занжир солиб кетишди.
Айлантириб онам бошини,
Мени бошим боғлаб кетишди.
Қиз боладир палахмон тоши,
Мен нима ҳам қила оламан.
Келин бўлай, бор аламимни,
Ўша безоридан оламан...

ЮР, ГЎЗАЛИМ

Юр, гўзалим шудрингларга юз ювамиз,
Муҳаббатнинг чаманидан гул узамиз.
Маст бўламиз, райҳон гуллар ифорига,
Мажнунтолнинг новдасидан уй қурамиз.
Булбул бизга куйлаб берар ишқ қўшиғин,
Капалаклар рақс этади минг товланиб.
Бахтнинг файзли осмонидан нур қувамиз.
Сўнг қайтамиз, ишқ боғига дил боғланиб.
Оқ булутдан оқ кўйлаклар ёпинамиз,
Висол майин симирамиз юрак билан.
Муҳаббатнинг,
Садоқатнинг пойин ўпиб топинамиз,
Сўнгги жангни тугатамиз фироқ билан.
Ёқилади сирли-сирли эртак қўшиқ,
Бағрим қадар ҳудуди йўқ, кенг фалакдан,
Гўзалликка сингиб кетар оловли ишқ,
Яшашни ёр ўрганамиз капалакдан.
Тоғу-тошда оҳу бўлиб югурамиз,
Кўзларимиз ловуллайди нурга тўлиб,
Гул майсалар гиламига йиқиламиз,
Шундай гўзал кун ҳаққига жонни бериб.

* * *

Қадрига ет, сени қадринг билганларни,
Ҳолин сўрма, бурни осмон кўрганларни.
Замон сийлар яшаш сирин билганларни,
Эгилганга эгилу, керилганга керилгил.

Ноинсофнинг саломида маъно йўқдир,
Беписандлик дил яралар оғу ўқдир.
Дуч келганга тавозега ҳожат йўқдир,
Эгилганга эгилу, керилганга керилгил.

Сарфлайвергил аямасдан саховатни,
Дилдан ҳайда, кибор отлиқ касофатни.
Аммо қўйма ор, ғурурга итоатни,
Эгилганга эгилу, керилганга керилгил.

Энг бевафо ҳамроҳ билсанг, давлат, пулдир,
Энг зарби тез яроғ билсанг заҳар тилдир.
Иккисининг офатидан йироқ юргил,
Эгилганга эгилу, керилганга керилгил.



ИССИҚДА ЭНГ ЗЎРИ МУЗҚАЙМОҚ!

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ёшларининг "Камолот" жамғармаси ўзаро ҳамкорликда "Қувноқлар ва зукколар" танловини ўтказмоқда. Шу йил ***27 июнда*** *ТошДУнинг "Шоввозлар", Қорақалпоғистон ДУнинг "Жайҳун", Термиз ДУнинг "Табассум" жамоалари,* ***28 июнь куни*** *эса Андижон Давлат тиббиёт институтининг "Асфиё", Ангрен Давлат педагогика институтининг "Бўйдоқлар" жамоалари ярим финал баҳсларида иштирок этадилар.*

Ёшларимизнинг қувноқлиги ва зукколигидан баҳраманд бўлишни истаганларни ***27-28 июнь кунлари соат 14:00 да*** *ТошДУ маданият саройига таклиф этамиз.*

МУСИҚА ОЛАМИДА

Мусиқа оламида бадавлат санъаткорлар кўпаймоқда. Ғарбдаги энг бой мусиқачи ким, -- деган савол кўпчиликни қизиқтириши табиий.

Маълумки Ғарбда концертдан ким энг кўп пул тушурса ўша бой ҳисобланади. Бунга эса Американинг гуруҳлари -- Eagles (бир концертнинг ўзида 2.6 миллион доллар), Rolling Stones (2.35 миллион доллар) ва Pink Floyd (2.2 миллион доллар) мисол бўла олади. Айниқса Rolling Stones бир концертнинг чиптасини 300 долларга баҳолагани уларни шу йили янада бой бўлиб кетишига сабаб бўлди.

Пул топишнинг яна бир соҳаси -- мусиқавий альбомлар чиқаришдир. Beatles дунёда энг кўп альбом чиқарган гуруҳлардан биридир. Улар ўз қўшиқлари ёзилган жами 100 миллион нусха альбом сотишга муваффақ бўлишган. Энг кўп сотилган альбом бу Майкл Джексоннинг "Triller"идир (24 миллион нусха).

"Олтин" альбомлар бўйича рекордчи (яъни 500 минг донадан зиёд нусхада сотилган) Rolling Stones гуруҳидир. Унинг дискларидан 36 таси "олтин" альбом ҳисобланади. Ундан кейинги ўринни Beatles (26 альбом) ва Kiss (20 альбом) эгаллайди.

Ниҳоят, учинчи соҳа -- хит-парадлардир. Гарчи бундай хит-парадларга кириш учун пул тўланмаса ҳам, бу нарса ижрочининг машҳурлигига, пировард натижада эса унинг молиявий аҳволига катта таъсир кўрсатади. Бу борада Pink Floyd гуруҳининг альбоми рекордчи ҳисобланади. 13 миллион нусхада сотилган "Dark side of the Moon" деб аталувчи альбом дунёдаги энг нуфузли мусиқавий нашр -- Американинг безакли "Billboard" ҳафтаномаси ўтказган хит-парадда ҳаммадан узоқ -- 182 ҳафта давомида намойиш қилинди.

Хориж хабарлари асосида БАХТИЁР тайёрлади.

ОСИЁНИ ДУНЁ КУТМОҚДА!

"А" гуруҳидаги номзод аниқ. "10 июндан 12 июлгача ғалаба!" -- деган шиор билан майдонга тушаётган дунёнинг "биринчи" жамоаси -- Бразилия биринчилардан бўлиб кейинги босқичга йўлланмани нақд қилиб қўйди. Улардан кейин эса ўз уйида чемпион бўлишга жиддий бел боғлаган франглар устаси фаранг бўлиб, 6 очкони қўлга киритди. Саудия Арабистони вакилларини 4:0 га енгган мезбонлар чемпионатдаги илк йирик ҳисобни ўз фойдаларига қайд этдилар. Арабларни чин маънода довдиратиб қўйган майдон ичидаги 11 фаранг ўғлони эмас, балки 90 дақиқа давомида "ҳау-ҳау" дея ўйингоҳни бошига кўтарган -- томошабинлар бўлди, десак хато бўлмайди. Бироқ айнан шу учрашув қимматга тушди. Шу куни қоқилиб қолган рақиби устидан тепиб ўтгани учун Зигон -- қизил карточка билан сийланди. Зигон Франция жамоасининг энг ишонган ҳужумчиси, моҳир тўпурари бўлганидан мураббий Элле Жакени анча ташвишга қўйди.

"С" гуруҳидаги 3-учрашув данияликлар билан бўлади. Бу ўйинда мезбонлар ютса ҳам, ютқизса ҳам унча фарқи йўқ -- барибир кейинги босқичга чиқади.

Энди эътиборингизни "АҚШ-94" даги шов-шувларни давом эттирамиз" деган шиор билан тўп сураётган Африканинг супержамоаси Нигерия термасига қаратмоқчимиз.

Нигерияликлар ўзбекларга "бегона" эмас. Қитъалар кубоги баҳсларида вакилларимиз билан икки бор учрашиб ғалаба ғозонган африкаликлар кўп йилликнинг севимли жамоасига айланиб қолган. Даҳшатли гуруҳ деб аталган "D" да беллашаётган қора танли йигитлар аввалги турда испанларни 2:3 ҳисобида енгиб, ўзини кўрсатганди. Бу сафар эса Голландия терма жамоасига қарши шиддатли ўйин намойиш этган нигерияликлар 0:1 ҳисобида ғалаба қозониб, олти очко билан кейинги босқичга йўл олди. Мазкур гуруҳдаги Испания -- Парагвай учрашувида ҳисоб очилмади.

Америка қитъасидан -- Бразилия!

Европадан эса -- Франция!

Африкаликлардан -- Нигерия!

Осиёдан эса...

Хўш, Осиё вакилларининг аҳволи қандай? Голландияга қарши майдонга тушган Жанубий Корея вакиллари ўз дарбозаларидан 5 та тўп ўтказиб юбориб, ақалли битта ҳам жавоб қайтара олмадилар. Японлар эса Хорватиядан 0:1 ҳисобида енгилди. Фақатгина АҚШни 1:2 га мағлуб этган Эрон терма жамоаси уч очкога эга бўлди.

"F" гуруҳи

Бу гуруҳда 2-турда кутилмаган натижа қайд этилди. Енгилмас машина деб номланган Германия жамоаси Югославия билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнайди.

"H" гуруҳи

"Аргентина" терма жамоаси ямайкаликларни 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Афтидан 12 бор чемпионатда иштирок этган фахрий Аргентина жамоаси 3 та шерикларини чиройли голлар шодаси билан сийлайдиган кўринади. На Ямайка на Япония ва на Хорватия аввал бундай шарафга эришмаганди.

Кеча **"G" гуруҳи**да икки учрашув бўлиб ўтди.

"Англия" -- "Руминия" -- 0:1
"Колумбия" -- "Тунис" -- 1:0

Миллионлар ўйини

ФУТБОЛГА ҲАМ ЁЗ КЕЛДИ

Куни кеча олий лига жамоалари биринчи давранинг охирги тур учрашувларини ўтказди. Учрашувлар ниҳоятда "баракали" бўлди. Оқибатда 8 та ўйинда дарвозаларга 45 та тўп киритилди.

Фарғонада бўлиб ўтган "Нефтчи" -- "Хоразм" учрашуви нафақат 15-турни, балки VII чемпионатнинг энг сермаҳсул ўйини бўлди -- 7:1. Тажрибали ярим ҳимоячи Сергей Лебедев меҳмонлар дарвозабонини 4 марта "орқага қараш"га мажбур қилди. Сергей учта тўпни 11 метрлик жаримадан киритди. "Андижон" -- "Сурхон" учрашуви ҳам бундан қолишмади --6:2. Мазкур турда ўйингоҳларга 59 минг томошабин ташриф буюрди. Шундан 18 минг мухлис "Бухоро" -- "Пахтакор" ўйинини кўришга йиғилди. Қизиқарли ўтган учрашувда меҳмонлар 1:2 ҳисобида устун келди. Маҳоратли Миржалол Қосимовнинг 4-дақиқада пеналтини амалга оширолмаганини ҳам ишқибозлар анчагача унутмасалар керак. Дарвоқе, Миржалол 15 учрашувда 12 рақиблар дарвозасини нишонга ола билди (6 та пеналтидан). Қолган учрашувларда деярли кутилмаган натижа қайд этилмади:

МХСК -- "Навбаҳор" --1:5
"Насаф" -- "Косонсой" -- 3:1
"Дўстлик" -- "Зарафшон" -- 5:1
"Трактор" -- "Металлург" -- 2:2

Айни дамда футболга даҳлдор ҳар бир кишининг хаёли Фарангистондалигига шак-шубҳа йўқ. Олий лига жамоалари ҳам 14 августга қадар танаффусга чиқдилар.

ТЎПУРАРЛАР

Миржалол Қосимов ("Пахтакор") -- 12 та
Сергей Лебедев ("Нефтчи") -- 11 та
Алексей Жданов ("Сўғдиёна") -- 10 та

А.РАИМОВ, "Туркистон" мухбири

АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!
ТОШКЕНТ АЛОҚА КОЛЛЕЖИ

1998-99 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

Автоматик электр алоқаси (9-синф базасида ўзбек ва рус гуруҳларига, 11-синф базасида ўзбек гуруҳига кундузги ва сиртқи бўлимларига);

Кўпканалик электр алоқаси (11-синф базасида ўзбек гуруҳлари кундузги ва сиртқи бўлимларга);

Туман электр алоқаси (9-синф базасида ўзбек гуруҳига);

Линия ва кабель иншоотларини қуриш ва уларни ишлатиш (9-синф базасига ўзбек гуруҳига);

Почта алоқаси (11-синф базасига ўзбек гуруҳларига кундузги ва сиртқи бўлимларга);

Телевизион техника ва радиореле алоқаси (11-синф базасида ўзбек гуруҳига кундузги бўлимга);

Иқтисод ва режалаштириш (11-синф базасида ўзбек ва рус гуруҳларига, кундузги ва сиртқи бўлимларга);

Бухгалтерлик ҳисоби (9-синф базасида ўзбек гуруҳига, 11-синф базасида ўзбек ва рус гуруҳларини кундузги ва сиртқи бўлимларига).

Абитуриентлар ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

-- ариза

-- маълумоти ҳақида ҳужжатнинг асл нусхаси.

-- 086-у шаклидаги тиббий маълумотнома.

-- 3х4 хажмдаги 6-та фотосурат.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга кирувчилар қўшимча равишда иш жойидан маълумотнома ёки меҳнат дафтарчасидан кўчирма топширадилар.

Абитуриентлар паспорт, ҳарбий хизматга алоқадор ҳужжатларини ҳайъатга шахсан кўрсатадилар. 9-синф маълумотига эга бўлган абитуриентлар кириш имтиҳонларини топширадилар.

11-синф маълумотига эга бўлган абитуриентлар тест синовлари топширадилар.

Имтиҳон ва тест синовлари математика (оғзаки), она тили ва адабиёт фанларидан топширилади.

Ҳужжатлар 20 июндан 25 июлгача (шу куни ҳам) қабул қилинади.

Қўшимча маълумотларни 41-35-58 рақамли телефон орқали олиш мумкин.

Манзилимиз: 7000128, Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 70-уй

КРОССВОРД



ЭНИГА: *1."Ватан саждагоҳ каби ...дир". 7."Эга бўлмоқ"нинг синоними. 9.Бўш, пукак. 10."... борки, соя бор". 12.Совуқнинг тескариси. 13.Замонамизнинг машҳур денгизчи-олими. 14."Бер"нинг зидди. 15.Бир нота. 18."Ейиш"нинг бошқа ноаниқ шакли. 19.Энг яқин қариндошлардан бири. 20.Мамлакатимиздаги миллатлардан бири.*

БЎЙИГА: *2.Ҳаёт йўли. 3.Аёлларнинг безак ашёлари. 4.Қўнғироқли соат. 5.Мусо (А.С.)нинг мўъжизавий ашёси. 6.Илиқ ҳолга келтирилган. 8.Космонавтнинг бошқача илмий аталиши. 9.Тўппонча ихтиро қилинган шаҳар. 11.Люкс ошхона. 16.Гуручнинг майдаси. 17.Бемор.*

Тузувчи: ШЕРЗОД

Акмал Икромов туманидаги 287-ўрта мактаб томонидан Абророва Феруза Ровшановна номига берилган O'R-D № 450724 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома бекор қилинади.

"Туркистон" газетаси жамоаси таҳририятнинг собиқ ходими Ашурали АҲМЕДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир: Назокат УСМОНОВА

ТАҲРИРИЯТ:
Бош муҳаррир—133-89-61
Қабулхона — 136-56-58,
тижорат бўлими — 133-79-69;
котибият — 136-58-48.

МАНЗИЛИМИЗ
700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Дизайн устаси: С.ФАЙЗУЛЛАЕВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси

Буюртма Г. —087
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41

Ҳажми — 2 табоқ
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти —21.00

1 2 3 4 5 6